

**Ҳамиджон ЎТАНОВ**

**ХАТО  
ҚИЛДИММИКИН?..**

(Қатралар, масаллар, шеърлар)


«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»  
очиқ акциядорлик жамияти  
2005

84(5У)6 Узб. б.д. 2 дәбиети

Ўтанов Ҳамиджон.

Хато қилдиммикин. - Қатралар, масаллар,  
шеърлар. - Андикон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ.  
2005 йил, 28 бет.

Марҳаматлик ижодкорнинг бу китобга киритилган  
асарларида муаллифнинг ҳаёт, одамлар ҳақидаги ўй-  
кечинмалари ўзига хос тарзда акс эттирилган.



10 32192  
0

Андикон вилояти

З. М. Бобур номли кутубхонаси

84 (5 Уз).

У-79

© «Andijon nashriyot-matbaa»  
ОАЖ, 2005

# **ҚАТРАЛАР**

## **«МАККОРА»ДАН ҚУТИЛДИМ**

Биринчи: - У билан ҳали ҳам «дон олишиб» турибсизми?

Иккинчи: - Э, юзи қурсин. Бир йил бўлди, алоқани узганман. Қорасини кўрсам, бир километр наридан ўтаман. Заб қутилдим-да, маккорадан. 10 йил у маккора мени ўз домига тортиб, қонимни зулукдек сўрди. Эсизгина умр. Болачақам олдида юзим шувут бўлди. Сал қолди элдан ажралишимга. Ота-боболаримиз тўғри айтган экан: «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқар», деб.

Учинчи: - Э, нималар деб валдираяпсиз? Мундок тушунтириб галирсангиз-чи. У ким? Наҳотки, хотинингиз у маккора билан дон олишиб юрганингизни билмаган бўлса?

Иккинчи: - Билади, неча марта у билан хотинимнинг қўлига тушиб қолдим. На илож, хотин кишининг кўнгли бўш бўлар экан. Кечирди.

Учинчи: - Агар сир бўлмаса, айтинг, ким экан ўша жонон?

Иккинчи: - Ҳеч кимга айтмайсизми?

Учинчи: - Сўз бераман.

Иккинчи: - Оти «Чашмахон», катта отасини Арақвой дейдилар.

## ДҮППИ

Ёз ойлари... Троллейбусдан тушиб, университет биноси томон юрдим. Шу катта билим даргохида сиртдан таҳсил оламан. Ногаҳон бир қиз ёнидаги дугонасини туртиб, мени кўли билан кўрсатиб, алланималар деяётганини кўриб қолдим. Мен ҳам уларга қандайдир бир қизиқиш билан қарай бошладим. Қизларга яқинлашганимда улардан бири, нозиккина, кўзлари шаҳлоси:

- Кечирасиз, сиз андижонликмисиз? - дея менга мурожаат қилди. Мен ҳайрон бўлиб:
- Ҳа, мени танийсизларми? - дедим.
- Йўқ, дўппингиздан андижонлик бўлса керак, деб тахмин қиляпмиз.
- Ҳа, мен андижонликман.

Танишдик. Улар ҳамюрларим экан. Шундан буён ҳар сафар Тошкентга борганимда, албатта, она шаҳрим - Андижонни эслатадиган дўппимни кийиб оламан.

## ОШҚОВОҚ

Мамажон Мукаррамхонни севади. Мукаррамхон ҳам унга бепарво эмас. Лекин севгисини қандай изҳор этишни билмай, туну кун ўй-санода.

Бир куни Мамажон севгилисининг дугонасидан:

- Севги, муҳаббат дейишади. Бу нима дегани экан? Тушунтириб беролмайсизми? - деб сўради ҳазил аралаш Мукаррамхонга зидан қараб.

Мукаррамхоннинг сирларидан огоҳ бўлган дугонаси:

- Шуни ҳам билмайсизми? Калла деб ошқовоқни кўтариб юрибсиз экан-да?! - деб дашном берди ва Мукаррамхонга қараб:

- Ўртоқжон, боя ошқовоқ керак деган эдингиз. Мана, Мамажон аканинг калласи ҳам «ошқовоқдан» фарқи йўқ экан, - деди ҳазиллашиб.

Йигит билан қизнинг кўзлари тўқнашди. Шу тобда қандайдир сир очилғандай бўлди...

## ЖАЗО

Набижон шаҳар поликлиникаси олдидан ўтиб кетаётганда йўлнинг ўнг томонидаги чинор тагига йиқилиб тушган ўрта ёшлардаги кишига кўзи тушдию, зудлик билан шу томон чопди. Уни тургизмоқчи бўлиб қўлтиғидан кўтарди, аммо бу одам ҳушидан кетган, ҳеч нарсани сезмас эди.

Набижон ўйлаб ўтирмай поликлиникага югурди, биринчи қаватда ҳеч кимни кўрмагач, иккинчи қаватга чиқди, уч-тўртта ҳамшира ўзаро сұхбатлашиб, ҳиринглашиб ўтиришарди.

- Ҳў опалар, пастда, йўл бўйида бир одам ҳушидан кетиб ётибди. Ёрдам беринглар, - деди куйиниб.

- Ичволиб, сулайиб ётгантирда. Пиёниста бўлса керак. Ўлиб кетмайдими, - деди тўлароқ жувон.

- Менимча, ичмаган, туппа-тузук, зиёли одамга ўхшайди. Ёрдам беринглар, илтимос.

- Юр, Зуҳро, бориб кўрайлик-чи? - деди ҳамширанинг шериги.

- Э, менга нима? Отаммиди у, - деди такаббурлик билан Зуҳро.

- Кўй ундоқ дема, бизга бундай сўз ярашмайди. Бўпти, мен борай-чи, кетдим, - деб ҳамшира пастга тушди. Унинг орқасидан Набижон ҳам югурди. Унгача беҳуш одам атрофига кўлчилик тўпланиб қолган эди.

- Э, бу Ҳалимжон ака-ку?! Районда уни танимаган одам йўқ, - деди кимдир. Ҳамшира:

- Шеригим Зуҳронинг дадаси-ку! - деди саросималаниб.

Ҳалимжон аканинг жони узилган эди.

Зуҳро кимдандир бўлган воқеани эшитган бўлса керак: «Дадажон» деб, фарёд уриб келар эди.

## ИЧИМ ЁНИБ КЕТДИ

- Мен сизга айтсам, ошна, қўшнимиз Мамарайимнинг лотереясига «Нексия» чиқди-ю, юргантурганим, еган-ичганим татимай қолди. Мен ҳам «Нексия» ютиб олай деб шаҳардан 10 дона лотерея билетини сотиб олдим. Газетада лотереянинг тиражи эълон қилинибди, деб эшитиб, икки ошнамни олиб омонат кассага чопдим. Икки ошнами икки ёнимга тургизиб қўйдим. Ҳушёрликни ошириб, секин-аста лотереяни текшира бошладим. Мен сизга айтсам, ошна, бир вақт ҳушимдан кетиб қолибман.

- Бирор нарса чиққандир-да?

- Э, ошна, ичим куйиб-ёниб кетди.
- Нимага ичингиз куйиб-ёнди?
- Нега куйиб-ёнмасин? Қўшнимга чиқсан нарса менга чиқмади-да!

## ЧОҲГА ЎЗИ ТУШДИ

Салимжон маҳалла гузарига чиқсанда уч-тўрт нафар ёш-яланг турунгларишиб ўтиришган эди. Салимжон улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, даврага қўшилиб, гапга қулоқ солиб ўтиреди.

Бирдан даврадагилардан бири Саттор гапни бўлиб:

- Салимжон ака, эшитдингизми? Авазбекни «Дамас» уриб кетибди, жойида ўлибди, - деди.

Салимжон ҳайрон бўлиб:

- Йўғ-э, ҳозир мен Авазбекнинг отаси Тошлан ака билан бирга бўлдим. Бу ҳақда ҳеч нарса демади-ку! - деди ҳайрон бўлиб.

- Рост, ишончли одам айтди, - деди Саттор. Унинг ҳамсұхбатлари ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолишиди. Салимжон олди - орқасига қарамай, Тошлан аканикига югурди. Тошлан ака Салимжоннинг шошилиб келаётганини кўриб:

- Ҳа? Тинчликми, шошилиб келяпсиз? Бирор нарсангиз эсдан чиқибдими? - деди.

- Ҳеч нарсам эсимдан чиқсанни йўқ. Бир гап эшитдим. Шуни аниқлагани, сизни хабардор қилгани келдим.

- Нима гап экан, айтаверинг, рангингиз ҳам ўзгариб кетибди. Тинчликми? Тезроқ айтинг.

- Авабек қаёққа кетган?

- Ишлагани кетган.

- Ким билан?

- Иброҳимжон деган шериги билан. Авазбекка бирор нарса бўлибдими, тезроқ айтинг?

- Тошлан ака, бир гап эшитдим. Балки ёлғондир... Ишқилиб ёлғон бўлсин. Авазбекни «Дамас» уриб кетибди.

Бу совук хабардан Тошлан аканинг вужуди музлаб ерга ўтириб қолди ва хушидан кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ келини уйдан чиқиб, қайнотасининг ҳолсиз ётганини кўриб, ўтакаси ёрилаёзди, тезда сув олиб чиқиб, юзига сепди. Муздек сув Тошлан акани ўзига келтирди.

- Қўшни, тезроқ касалхонага борайлик, - деб апил-тапил ўрнидан турди. Келинига ҳеч нарсани айтишмади. Ёшгина киракаш йигит уларни жарроҳлик бўлимига олиб бориб кўйди. Қўшнилар навбатчи қиздан:

- Бугун 30-31 ёшлардаги «Дамас» уриб кетган йигитни олиб келишдими? - деб сўрашди.

Навбатчи:

- Бугун бирор кимсани машина урганлиги ҳақида бизда маълумот йўқ, - деб аниқ жавоб берди.

Қўшнилар яна «Тико»га ўтиришиб, Авазбекнинг шериги Иброҳимжоннига боришди. Хотинидан Иброҳимжонни сўрашди.

- Хўжайним Авазбек ака билан Кўтармадаги аммамниига ишлагани кетган.

- Уйини биласизми?

- Ҳа. Тинчликми?

- Тинчликмас-да. Авазбекни машина уриб кетибди, тирикми-ўликми билмаймиз. Тезроқ машина га чиқинг?

Авазбек девор шувоқ қилаётган эди. Тошлан aka югурға солиб Авазбекни бағрига босиб йиғлаб юборди.

- Ўғлим, соғмисан? Ҳеч еринг лат өмадими?

- Тинчликми дада, тушунтириб гапириңг. Нима бўлди?

- Улфатхоннинг ўғли Саттор Салимжон акангга айтибдики, сени «Дамас» уриб юборганмиш. Э, ҳайрият, шум хабар ёлғон чиқди. Худога минг марта шукур.

- Ҳа, ўшами, уни билмайсиз-да, ичи қора. Дангасалиги, қўли қинғирлиги, ёлғончилиги учун бирга олиб юрмай қўйдик, умуман, қўшмай қўйдик. Шунга аламидан гап чиқарибди-да. Қўяверинг, дада, худога солдик, - деб Авазбек дадасини тинчлантириди. Чой қуйиб берди. Тошлан aka ўзига келди.

Кечки пайт Аваз билан уста Иброҳимжон ишдан қайтаётиб Сатторларнинг эшиги олдида одам кўплигини кўришди. Маълум бўлдики, Сатторни бир соатлар чамаси олдин «Дамас» уриб кетибди.

Авазбек ҳам, уста Иброҳимжон ҳам Яратганинг бу ишидан ҳайрон бўлишиб, ёқа ушлашиб, нима дейишини билмай қолишди...

## УЛФАТЛАР

Икки ширакайф улфат қоронғи кечада кетишарди. Улардан бири чайқалиб туриб:

- Анаву электр чироғидан тушаётган нурга тирмашиб сим ёғочга чиқсанг, яримта қуяман, - деди.

- Ҳо, ярим йўлга етганимда чироқни ўчириб қўйсанг, йиқилиб тушаман-да, - деди иккинчиси.

## **ЧАНГИБ КЕТИБДИ**

Қиши кунларининг бирида уйқудан туриб эшикка чиққан жажжи Замира оппоқ туманни кўриб тајожубланди ва онасига деди:

- Ая, ая, ҳаммаёқ чангиди кетибди!

## **ОНАСИННИГ ҚОРНИДА**

Карим лофчи Салим лофчига мақтаниб:

- Менинг қизим онасининг қорнидан тушибоқ дўппи тикишни ўрганиб олибди! Балодек дўппи тикиб, рўзгоримизни тебратяпти, - деди.
- Э, қизиқсан-а?! - деди Салим лофчи, - шуни ҳам гап деб кўтариб юрибсанми? Мени қизим онасининг қорнида туриб дўлпи тикялти-ку!

## **ДАДАМ БИЛАДИ**

- Қайси олийгоҳга кирмоқчисан, Норқул?
- Бу дадамнинг танишларига боғлиқ.

## МАСАЛЛАР

### ОҒЗИ «ПОЛВОН» СИЧҚОН

Мушукнинг дастидан дод! Ундан қутилишнинг йўли борми?

Яқинда сичқонларнинг ана шу масалага бағишлиланган йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишда кўпгина сичқонлар мушукдан қандай қутилиш тўғрисида узоқ гапирдилар.

Гапга чечан ёш сичқон мушук хавфидан қандай халос бўлиш мумкинлиги ҳақида ишонч билан гапириб шундай деди:

- Ўртоқлар! Мушукдан қутилишнинг йўли жуда осон. Бунинг учун битта қўнғироқ ясатамиз-да, уни мушук ухлаб ётганда бўйнига осиб қўямиз, тамом вассалом. Агар мушук биз томонга келаётган бўлса, қўнғироқ жиринглаб бизни мушук хавфидан огоҳ қиласи. Ана ўшандан кейин бизни мушук ҳатто тушида ҳам кўролмайди.

Сичқонларга бу таклиф анча маъқул тушди. Шодликдан «ура» деб чапак чалиб юбордилар.

«Ажойиб таклиф, - дейишди улар, - энди бизни мушук ея олмайди». Ёш сичқоннинг баландпарвоз гапини бир чеккада жим туриб тинглаётган, анча оқ-қорани таниган, кўпни-кўрган кекса сичқон шундай деди:

- Ёш сичқон жуда мұхим масаланы ўртага ташлади. Аммо, лекин бу ишнинг яна бир қалтис томони ҳам бор. Шунинг учун ҳозирдан суюнишнинг ҳожати йүқ.

- Қандай қалтис томони бор экан, қани, айтингчи? - дейишди сичқонлар.

- Айтаман ҳам. Қани, сизлар айтган күнфироқни мушукнинг бўйнига ким боғлаб қўяди? Менимча, орангиздан биронта ботир чиқмаса керак, «кўнфироқни мен боғлайман», деб. Ё борми, кўнфироқни боғлайдиган ботир?

Ҳамма жим.

Бирдан сичқонларнинг кўз олдига мушуквойнинг даҳшатли башараси келди. Мушук хавфидан энди кутиламиш, деган сичқонларнинг рухи тушдикетди.

Минбарда ишонч билан гапирган ёш сичқон қаёқадир ғойиб бўлган эди.

## ҚАРИНДОШ

- Симтрос жуда кучли-да. Унга тенг келадигани топилмаса керак, - дейишди.

- Ҳа, у менинг қариндошим. Ҳаммамиз бир уруғмиз, - деди Арқон мақтанчоқлик билан.

## ЖИЛОВ

Руль: - Агар ихтиёrim ўзимда бўлса, нима қилишни яхши билардим-а, аммо қўл йўл қўймайди-да.

## **ДУТОР ВА ҚҮЛ**

- Мен булбулдек сайрайман, - деб атрофдаги-  
ларга мақтанди Дутор.

- Мақтанчоқлик ҳам эви билан-да. Сени сай-  
ратган қүл-ку, - деди қулоқ.

## **ЭГРИ ВА ТҮФРИ**

- Нега узунсан? - деб сўради Мирзатерақдан  
Мажнунтол.

- Чунки сенга ўхшаб бировларга бурним ерга  
теккунча эгилиб таъзим қилмайман, - деб жавоб  
берди терак.

## **ТУҲМАТ БАЛОСИ**

- Ошқовоқ сизни: «Биринга нафи тегмайди,  
бир темир-да», деб ёмонлади, - дейишди  
Қирғичнинг лаганбардорлари.

- Шунаقا дедими? Ҳали унга кимлигимни  
кўрсатиб қўяман, уруғини қираман! - деди ғазаб  
отига минган Қирғич.

## **НОКАС**

Замон тақозоси билан Қўлиочиқ Нокасдан  
қарз бўлиб қолди. Бундан хабар топган Нокаснинг  
инилари - Хасис, Қурумсоқ, Зикна, Қизғанчиқлар  
кунора Қўлиочиқникига келиб: «Акамдан олган  
қарзингни бер», - деб қисташади.

Шуни айтсалар керак-да: «Нокасдан қарз ол-  
ма, ҳам йўлда қистайди, ҳам гўрда, - деб...

## АРМОН

Үнг қўл қўп меҳнаткаш эди, лекин унинг қадрига етмай чап қўлга тилла соат тақиб кўйишди. Бу ноҳақлиқдан үнг қўл қаттиқ хафа бўлди. Бироқ зътиroz билдиришга журъати етмади. Дардини ичига ютиб, индамай ишини қиласкерди.

Узунқулоқ гапларга қараганда, үнг қўл ҳали ҳам тер тўкиб ишлаётганмиш, чап қўлни эса каттароқ мукофотга тавсия этишганмиш.

## ШЕР ВА ШЕЪР

Ўрмонда ҳайвонлар хурмо тўғрисида мушоирага йигилишиди. Сабаби, Шер хурмони яхши кўрап экан. Шеър ўқиш навбати Шерга келди. У хурмо дарахтига қараб, Тулки ёзиб берган шеърни ўқиди:

*Э, кўркам хурмо.*

*Юзингни бурма.*

*Мева қилмассанг,*

*Бу ерда турма.*

Шеър ҳаммага маъқул келиб, мукофотга тавсия қилинди.

## ТИЛНИНГ ЗАҲРИ

Олижаноб касал бўлиб қолди. Қўпол, Заҳар, Ноумид, Виждонсиз, Ёмонотлик ҳол сўрагани келишиди.

- Э, аттанг, аҳволинг намунча танг? Бу ётишингда тезда ўласан-ку! - дейишди улар.

Улар кетиши билан Олижаноб ўлди.

## **АРОҚ ВА КҮМИР**

- Намунча қорасан, нари тур, - деди Ароқ күмирдан жирканиб.

- Сен оқ бўлсанг ҳам, ичинг тўла қора иллат, - деди Кўмир Ароққа.

## **БЕЛКУРАК ВА ОЁҚ**

- Белкурак зап кучли-да. Бир пасда анча ерни ўйиб ташлайди.

- Оёқ елкасидан босиб турганидан кейин ўяди-да!

## **КИМ ГЎЗАЛ**

Атиргул ва Чиннигул ёнма-ён ўсишарди. Атиргул ял-ял ёниб ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиласарди.

Бундан бехабар Чиннигул:

- Ўтган ҳам, кетган ҳам менга қарайди. Мендан гўзал гул йўқ, - деди гурур билан.

## **СОПИ ЎЗИДАН**

Болта дарахтни қулатди. Суриштиришса, болтанинг сопи ўша дарахтнинг қариндоши экан.

## **ВАҚТИНЧАЛИК**

Чипта Қўлга мақтанди:

- Менинг обрўйим жуда баланд. Агар мен бўлмасам сени автобусдан тушириб юборадилар.

Бекатга етгач, Қўл Чиптани ташлаб юборди.

## ТЕРАК ВА ТОЛ

Терак ёшлигидан түғри ўсди, кўкларга бўй чўзди. Тол эса теракнинг акси эди. Шунинг учун одамлар уни ҳар йили калликлаб туришади.

## БЎРИ

Бўри кўй ўғирламасликка, ҳалол яшашга аҳд қилди. Омад кулиб боқиб катта бир идорага бошлиқ бўлиб қолди. Тулки уни табриклагани келиб, шипшиди:

- Бўри ака, ходимлар сизни бўри еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон, дейишяпти.

## «БЕАДАБ»

Салом Аликка салом берди. Ўзига бино қўйган Алик индамади. Янаги сафар Салом ҳам индамай ўтиб кетди.

Бундан ғазабланган Алик:

- Қандай беадаб бола экан-а?! Ўзидан каттага салом бермади-я?! - деди.

## ҲЎКИЗ

Ҳўқиз эгасини сузиб, жароҳат етказди. Эгаси эса унга ўт бермай хўп қантарди. Очлик, сувсизликка чидай олмаган Ҳўқиз ўлар ҳолга келди. Охири, бир илож қилиб бу ердан қочиб қолди.

Бир яхши одам уни уйига олиб келиб, ўт-ем, сув берди. Ҳар куни одам Ҳўқизни силаб-сийпалаб парвариш қилди. Ҳўқиз семириб кучига-куч қўшилди.

Бир куни одам иши чиқиб қолиб, Ҳўкизга ўт-ем ва сувни вақтида беролмай қолди.

- Ҳўкизим, бугун сендан хабар ололмай қолдим, кечир, - деб Одам Ҳўкизга яқинлашди. Шу пайт Ҳўкиз ғазаб билан Одамни сузиб ўлдириб қўйди.

Буни кўриб турган Қўй шундай деди:


- Силаганни Сигир билмас, сийлаганни - Ҳўкиз.

## БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР КЕТАР

Замон ўзгариб, ҳамма қийинчиликда қолди. Иш йўқ, ишлаган билан маош йўқ. Натижада ўрмондаги жондорлар ўртасида мөхр-оқибат қочди. Ҳамма топганини бир-биридан бекитиб ейдиган бўлди.

Бир куни Айиқполвонникига Бўри кириб келди. Айиқ чевати пишириб ўтирган эди. Бўрини кўриб, чеватини қайга яширишни билмай устига ўтириб олди. Буни фаҳмлаган Бўри ҳадеганда чиқиб кетавермай гап сотиб ўтираверди. Чевати иссиқ бўлгани учун Айиқполвон бетоқатлана бошлади. Охири Бўри кулиб:

- Бу кунлар ҳам ўтар-кетар, Айиқполвон, кетинг куйгани қолар, - деди-да, чиқиб кетди.



## **ШЕЪРЛАР**

### **ХАТО ҚИЛДИММИКИН?..**

Оҳ-воҳ қилдим мен кўп, жонона билмадинг,  
Ишқ кўчасида фарёд урдим билмадинг.  
Қанчалик яқинлашмай қўлим етмади,  
Севгида мен Анвар, сен Раъно бўлмадинг.

Депсалаб ўтсанг, ёрим, остона бўлай,  
Бир қиё боқсанг, жоним, қурбонинг бўлай.  
Бу бир хаёл, бу бир орзу, аслида мен,  
Шўрпешонаман, дардимни кимга айтай.

Сени танлаб, жоним, хато қилдиммикин,  
Ўз жонимга, ёрим, жафо қилдиммикин.  
Бегона ёр ишқида девона бўлиб,  
Эл оғзида мен афсона бўлдиммикин?!.

### **ҚЎРС ОДАМГА**

Жаҳлингиз чиқса, сўқинасиз Сиз,  
Гуноҳлигини билмасмидингиз.  
Амалингизга қувондингиз Сиз,  
Одамлар дилини оғритманг, дўстим.

Мўминлар Сиздан безиб қоляпти,  
Сахий ҳамманинг кўнглини оляпти.

Дунёда сиздан нима қоляпти,  
Одамлар дилини оғритманг, дүстим.

Бу гунохингиз танангиз эгди,  
Мана энди биш ёстиққа тегди.  
Күрганлар; «Холинг шу экан», деди,  
Одамлар дилини оғритманг, дүстим.

Хали күп оғрийди бошгинангиз,  
Отилмай қолади тошгинангиз.  
Ейилмай қолади ошгинангиз,  
Одамлар дилини оғритманг, дүстим.

### МЕН СЕНДАН КЕЧОЛМАДИМ...

Күкөнлик қишлоғига борай дедим, боролмадим,  
Тозагул қизгинамни күрай дедим, күролмадим.  
Қизгинамни күп соғиндим, бир күриш илинжида  
Йүл юрсам ҳам мүл юрдим, йүллар узоқ  
етолмадим.

Отасиз катта бўлиб юргандирсан, билолмадим,  
Давраларда кулдирдилар, кулдилар, кулолмадим.  
Ўксик қалбим шиша каби чил-чил, энди тузалмас.  
Онанг кечди мендан, мен эса сендан кечолмадим.

Сен кетдинг онанг билан жон қизгинам бизни  
ташлаб.

Гўдак тилинг билан «дада» дединг кўнглимни  
ғашлаб.

Куйиб бўлди, йўқ бўлди Мұҳаббат шу кундан  
бошлаб.

Күкөнлик қишлоғига борай дедим, боролмадим.

Мұхаббат, сенға күнгил қўйдим, сен қўёлмадинг,  
Дардимни айтдим, тўкиб солдим, сен  
айтолмадинг.  
Ишонган тоғим дердинг, тоғимда кийик  
бўлолмадинг.  
Кўқонлик қишлоғига борай дедим, боролмадим.  
Тозагул қизгинамни кўрай дедим, кўролмадим.

## КАМБАҒАЛЛИК ҚУРИБ КЕТСИН...

(Ярим ҳазил)

Аччиқ-совуқ изгирин қиш,  
Кийимим юлун, такиллар тиш.  
Бошимда шунчалар ташвиш  
Камбағаллик қуриб кетсин.  
Камбағалнинг ўтини йўқ,  
Мўрисида тутуни йўқ,  
Бой отанинг сўзлари ўқ,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Қўли калта гўр бўлади,  
Пешонаси шўр бўлади.  
Етган ери гўр бўлади,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Чойхонада ош емадим,  
Емасам ҳам ғам емадим.  
Ёмонни ёмон демадим,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Болам-чақам деб ишладим,  
Ҳар қаерда мен қишлидим.

Россияда ҳам ишладим,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Бойлар бойларга боқади,  
Сойлар сойларга оқади.  
Пули йүқ кимга ёқади,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Дангасаю камбағалман,  
Пүсти қалин бир дағалман.  
Ерда ётган тош-шағалман,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Увадада ётаман-о,  
Аламимдан «отаман»-о.  
Фам-аламга ботаман-о,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Қайга борсам тилим қисик,  
Соч-соқолим доим ўсиқ.  
Омадим йүқ, йўллар тўсиқ,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

Камбағаллик жондан ўтди,  
Бор омад ҳам қўлдан кетди.  
Ёшим ҳам олтмишга етди,  
Камбағаллик қуриб кетсин.

## ТҮРТЛИКЛАР

Пора берган гуноҳларга ботади,  
Пора олган жаҳаннамда ётади.  
Пора еган - панд ер, буни унутма,  
Ҳалол еган - қанду асал тотади.

\* \* \*

Баъзилар одамни итдай қопади,  
Баъзилар ойни этак билан ёпади.  
Ёмонлик, доғингни минг бор ёпсанг-да,  
Халқ бари бир айбингни топади.

\* \* \*

Отасин урди муштумзўр,  
Қарғишига учраб бўлди кўр,  
Ота қарғишин олганни,  
Ана, сен томошасин кўр.

\* \* \*

Девор қийшиқ бўлса, тезда қулайди,  
Эгри йўлга кирғанлар бир кун йиғлади.  
Букрини гўр тузатар, дейди донолар,  
Ёмон ҳар ерда ёмонликни ўйлади.

\* \* \*

Сахий бўл, обод қил юртингни,  
Кўчаларни гуллат ҳам яшнат.  
Обод қил сен ҳовли-жойингни,  
Қадринг ошиб кўрасан ҳурмат.

\* \* \*

От топади, эшак ейди,  
Қингир ҳам түғриман дейди.  
Гар қилмиши фош бўлиб қолса:  
«Шайтон йўлдан урди», дейди.

\*\*\*

Бир баҳил кимса бойиб кетди,  
Аммо зиқналиги қолмади.  
Едирмади, емади, кетди,  
Ундан ному нишон қолмади.

\*\*\*

Ёшларга умр тила, кексага имон,  
Ёмонга инсоф тила, тўғри йўл кўрсат,  
Яхшиликни миннат қилма, бу жуда ёмон,  
Қалбингни сен яхшилик билан безат.

\*\*\*

Чин дўст дўстига содикдир ҳар он  
Дўстга хиёнат қилган ҳар ерда хор.  
Дўст бўлсанг, то қиёмат дўст бўл, эй дўст  
Билсанг, дўстга содикқа ҳар ерда худо ёр.

\*\*\*

Занг темирни ҳам емиради,  
Дарду алам одамзотни кемиради.  
Ишқсиз эшак, дардсиз кесак,  
Боқибекам сув ичса ҳам семиради.

\*\*\*

Хунуксан деб ёргинамни кўп хўрладим,  
Кўйнимда ётганида ҳам бошқасини ўйладим,  
Энди умрим бўйи уни тополмай ҳайҳот,  
Мен ношукур қонлар ютиб пушаймон-ла

Йиғладим.

\*\*\*

Елғизман деб ўқинма худо ҳам якка,  
Бүш қопни күрганмисан бўлганин тикка,  
Бемехр, тош юрак ака-уқадан,  
Минг марта яхшироқдир чопилган тўнка.

\* \* \*

Қизил олмани қурт ейди,  
Яхши ёмондан панд ейди.  
Бир яхшига бир ёмон,  
Ажаб: буни тақдир дейди.

\* \* \*

Нима қилсанг қилгин худоё, ёмон қилмагин,  
Дарду аламдан юзимни сомон қилмагин.  
Яхшиман, омонман, доимо яхши бўлайин,  
Ё Раббим, яхшини ёмонга томон қилмагин.

\* \* \*

Кишиларга яхшилик қил,  
Ёмонликдан сен ҳазар қил.  
Олқиши олган кўкаради,  
Ёмонлик гўрга элтар, бил.

\* \* \*

Гар бошлиқ ишбилармон, ҳам камтарин  
бўлса,  
Ишда муваффақиятлар, зафарлар ёрдир.  
Гар бошлиқ тўра, кеккайган, саводсиз бўлса,  
Олғир, муттаҳам иззатда, тўғрилар хордир.

\* \* \*

Ароқхўрсан, «отасан»,  
Беш болали отасан,  
Энди ичма десалар,  
«Сўзинг» билан отасан.

\* \* \*

Бир кимса йиғди ҳаромдан катта бойлик,  
Шу бойлик орқали орттириди зўр қасаллик.  
Одамлар сўкиш, қарғишига учради у,  
Танийсиз, номи - Олғирбой, ўзи гаргарлик.

\*\*\*

Нокас фақат ўзини ўйлайди,  
Текин емаса унсиз йиғлайди.  
Ўз манфаати йўлида ҳатто у  
Отасин ҳам ҳурмат қилмайди.

\*\*\*

Текинхўрнинг қаҳри ёмон, болам,  
Қарғишхўрнинг ранги сомон, болам.  
Ҳаром билан ҳалолни ажрата билсанг,  
Умр бўйи ҳаётинг шод, омон, болам.

\*\*\*

Инсонларга яхшилик қил,  
Номинг қолади, бил, болам.  
Олтин олма, дуо ол,  
Ёмонлик ўтин юл, болам.

\*\*\*

Кўп гапирма, оз гапир, етар,  
Сергап бўлсанг, ҳурматинг кетар.  
Ақлсиз билмасдан гапириб,  
Суҳбатдошин дилин оғритар.

\*\*\*

Ҳаромхўрнинг халтаси ҳаромга тўлди,  
Ҳаром касофати ўғлига урди,  
Молдай еди, ичди, қопди, бўкирди ва  
Ниҳоят паймонаси тўлди, ёш ўлди...

\*\*\*

Кўнгилхушлик йўлига кирма, эй дўст,  
Ўз ёрингга бевафо бўлма, эй дўст.  
Бундай ифлос йўлда хору-зор бўлиб,  
Ору-номусдан жудо бўлма, эй дўст.

\* \* \*

Таъма билан яшадинг, ортганинг йўқ,  
Маҳаллага ош-нон ҳам тортганинг йўқ,  
Сахий борини берса ҳам кам бўлмас,  
Бил, бир луқма ҳалолдан тотганинг йўқ.

\* \* \*

Бола ширин гапга ўч бўлади,  
Заҳар сўздан инсон ўлади,  
Қария ҳам бола, ширин сўзла,  
Шу билан унинг кўнгли тўлади.

\* \* \*

Муҳтоҷга ёрдам қўлингни чўз,  
Аргамчига қил-куват, билсанг,  
Ҳеч бўлмаса, гапир яхши сўз,  
Аччиқ тип - ёмон иллат, билсанг.

\* \* \*

Тошни тошга урса - ўт чиқади,  
Тажрибасиз, фўр одам мўрт чиқади.  
Очкўз - баҳил, саҳий - олижаноб,  
Ҳеч қачон қондошмас - ёт чиқади.

\* \* \*

Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди.  
Унга ҳеч ақл ўргатиб бўлмайди.  
Э худо, аҳмоққа куним қолмасин,  
Аҳмоқ-тош, қоққан билан мих ўтмайди.

## МУНДАРИЖА

### Қатралар

«Маккора»дан қутилдим.....	3
Дүлпі.....	4
Ошқовок.....	4
Жазо.....	5
Ичим ёниб кетди.....	6
Чохга ўзи тушди.....	7
Улфатлар.....	9
Чангиб кетибди.....	10
Онасининг қорнида.....	10
Дадам билади.....	10

### Масаллар

Оғзи «полвон» сичкон.....	11
Қариндош.....	12
Жилов.....	12
Дутор ва юл.....	13
Эгри ва тўғри.....	13
Туҳмат балоси.....	13
Нокас.....	13
Армон.....	14
Шер ва шеър.....	14
Тилнинг заҳри.....	14
Арок ва кўмир.....	15
Белкурак ва оёқ.....	15
Ким гўзал.....	15
Сопи ўзидан .....	15
Вақтинчалик.....	15
Терак ва тол.....	16
Бўри.....	16
«Беадаб» .....	16
Хўкиз.....	16
Бу кунлар ҳам ўтар кетар.....	17

### Шеърлар

Хато қилдиммикин.....	18
Қўрс одамга.....	18
Мен сендан кечолмадим.....	19
Камбағаллик қуриб кетсин.....	20
Тўртликлар.....	22

**Адабий-бадиий нашр**  
**Ҳамиджон Ўтанов**  
**ХАТО ҚИЛДИММИКИН**

Қатралар, масаллар, шеърлар.  
«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2005 й.

Муҳаррир  
Тех.муҳаррир  
Мусаҳҳих  
Саҳифаловчи

Ҳ. Турсунматов  
М. Мирзакаримова  
Н. Тоҳиматова  
Ҳ. Парпиев

Босмахонага 2005 йил 25 сентябрда теришга берилди. Босмахонага 2005 йил 7 ноябрда рухсат этилди. INSL Arial гарнитураси. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 2 босма тобоқ. Буюртма № 1938 Тиражи 500 нусха.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.